# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 18 июнь, № 117 (6047) Чоршанба

## Ўзбекистон — Жанубий Корея:

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июнь куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон билан Тонг бокиралиги ўлкаси ўртасида катта масофа бўлса-да, халқларимизни яқин қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Эл-юртга садоқат, аждодлар мероси ва қадриятларини эъзозлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик, очиққўнгиллик, саховат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хосдир. Бир пайтлар тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб корейсларга ўзбек халқи меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошпана берганини корейс халқи ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янги-янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Узоқ муддатли ҳамкорлик мобайнида босиб ўтилган самарали йўлга холисона баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳамжамиятига босқичма-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қувватлаган, вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 июнь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Пак Кин Хэ шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги учрашувида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Биз Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга илк давлат ташрифини Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, томонларнинг олий даражадаги анъанавий мулоқотларни давом эттиришга, дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Ўзбекистон Корея Республикасига юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида қарайди. Тараққиётнинг ҳар томонлама ўйланган, узоқ муддатли стратегияси туфайли Жанубий Корея ҳақли равишда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда, — деди Ислом Каримов.

Музокарада таъкидланганидек, бу учрашув кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич, ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш ҳамда фаол ривожланиб бораётган стратегик шерикликни янги амалий мазмун билан бойитиш учун яхши имкониятдир.

— Буюк Ипак йўли маркази сифатида азалдан ривожланган Ўзбекистон бугунги кунда жадал иқтисодий тараққиёти, қулай сармоявий муҳити билан дунё мамлакатларини ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкоридир. Бу ерда илк бор меҳмон бўлиб турган эсам-да, дўстона муносабат, очиқлик ва самимийлик туфайли ўзимни узоқ йиллик дўстларим ҳузурига келгандек ҳис этмоқдаман. Бундай қулай муҳит ва яхши кайфият давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг белгиси ва унинг мунтазам ривожланиб боришининг далолатидир, — деди Пак Кин Хэ.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муносабатлар стратегик шериклик анъаналарига мос тарзда ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани стратегик ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг 60 сармоявий лойиҳа имзоланди.

Парламентлараро алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делегациялари мақомидаги ташрифлар изчил кенгаймоқда. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган. Жорий йил апрель ойида Сеулда маслаҳатлашувларнинг 10-даври бўлиб ўтди.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишни мониторинг қилиб бориш, ахборот технологиялари, қуёш энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Томонлар бундан буён ҳам халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар, жумладан, "Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, диний экстремизм, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда изчил ҳамкорлик қилади.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида бу борадаги кўрсаткич 669,3 миллион долларга етди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита мунтазам мажлислар ўтказиб келмоқда. Ўтган ойда унинг навбатдаги мажлисига Тошкент мезбонлик қилди. Шунингдек, молия вазирларининг, Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмитанинг йиғилишлари ўтказилмоқда. 2012 йилдан Ахборотлаштириш бўйича кенгаш фаолият олиб бормоқда.

"Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинмоқда.

Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 5 миллиард доллардан ошади. Ўзбекистонда жанубий кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона, ушбу мамлакатдаги 81 компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Сурғил кони негизида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси кўлами жиҳатидан ғоят йирик лойиҳа сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Корея газ корпорацияси, "Лотте групп" ва "Эс-Ти-Икс Энержи" компаниялари консорциуми иштирокида қурилаётган бу мажмуа келгусида 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ва бунинг натижасида 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизнинг турли минтақаларида истиқболли углеводород конларини аниқлаш, геология-разведка ишларини амалга ошириш, ўзлаштириш борасида фаолият кўрсатмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида "Шиндонг Рисорсез" компанияси билан вольфрам кони ўзлаштирилаётганини, "Неоплант" компанияси билан ҳамкорликда техник кремний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Автомобилсозлик — жанубий кореялик шериклар билан биргаликда Ўзбекистонда ўзлаштирилган юқори технологияли энг машҳур ишлаб чиқариш соҳаси. Айни пайтда Андижон ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида автомобилсозлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда саноатнинг бу соҳасига Жанубий Кореянинг 20 компанияси жалб қилинган, 18 қўшма корхона тузилган.

Тўқимачилик ҳам ҳамкорликнинг устувор соҳаларидан биридир. Бу йўналишда Ўзбекистонда кореялик шериклар билан биргаликда умумий қиймати 212 миллион долларга тенг 10 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, "ДЭУ Интернэшнл" компанияси билан Фарғона ва Бухоро вилоятларида, "Шиндонг Энерком" ва "Текстайл Текноложиз" компаниялари билан Сурхондарё вилоятида тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Айни пайтда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти негизида Тўқимачилик технологияларининг инновацион марказини очиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда юртимизда "электрон ҳукумат" тизими жорий этилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази ва Ахборот олиш маркази очилган. Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан пойтахтимизда Жанубий Кореядаги етакчи олий ўқув юртларидан бири — Инха университетининг филиали ташкил этилди.

"Кореан Эйр" компанияси билан ҳамкорликда "Навоий" интермодал логистика маркази фаол ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда марказ бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йигирмата самолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Айни пайтда ушбу авиахабдан Сеул, Милан, Брюссель, Вена, Париж, Деҳли, Мумбай, Истанбул, Ханой каби шаҳарларга ҳафтада 29 парвоз амалга оширилмоқда.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда молиявий-техник ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Беғараз асосда асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, кореялик мутахассисларни Ўзбекистонга йўналтириш КОИКА билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир. Бу борада соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда умумий қиймати 54,5 миллион доллардан зиёд 21 лойиҳа амалга оширилди. Яна тўрт лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан ҳамкорликда қиймати 114,1 миллион долларга тенг тўрт сармоявий лойиҳа амалга оширилди.

Музокарада товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказиш, шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш борасида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуклик, ҳар томонлама пухталик касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

1992 йилдан буён Тошкентда Корейс таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Қатор олий ўқув юртларида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. 13 олий таълим ҳамда 28 мактаб ва лицейда корейс тили ўрганилади. Умуман, Ўзбекистон университетлари Жанубий Кореядаги ўттиздан зиёд олий ўқув юрти ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2012 йил март ойида Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. 2013 йилда юртимизда "KBS" миллий телерадиокомпанияси томонидан корейс қўшиқлари танлови ўтказилиб, унинг финалига чиққан "Алладин" гуруҳи кейинчалик 15 мамлакат вакиллари иштирокида Жанубий Кореяда ўтказилган "Korean POP World Festival — 2013" фестивалида Гран-при соҳиби бўлди. 2014 йилнинг муҳим воқеалари — Ўзбекистон ёшлар театри Болалар ва ёшлар театрлари уюшмасининг "Осиё учрашувлари — 2014" халқаро фестивалида "Шум бола" спектакли билан қатнашди, Тошкентда Сеул боғи ташкил қилинди. Ўзбек ва корейс халқлари учун қадрли бўлган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлим гўшаларидан бирида кўҳна Корея маданияти ёғду таратадиган гўзал маскан вазифасини ўтамоқда.

Томонлар шуларни қайд этиб, маданият, мусиқа, санъат ва спорт соҳаларида алоқаларни янада фаоллаштириш, қўшма маданий фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш, ўқув юртлари ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар. Ўзбекистонда Корейс маданияти ва санъати марказини очиш масаласи кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Президент Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, 2014 — 2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳадли келишув, Икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Корея Республикаси Экспорт-импорт банки ўртасида молиявий битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Пак Кин Хэ музокаралар самарали, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахру ғурурига хос замонавий қиёфа касб этди, айни пайтда унинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳам юксалди.

Корея Республикаси Президенти халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пак Кин Хэ бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

*Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 17 июнь куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи-энергетика, авиаташув, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, тоғ-кон саноати, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, мазкур бизнес-форум савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлашини, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида қайд этди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ва ишончли стратегик шеригидир. Мамлакатларимиз катта иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, кончилик, машинасозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган.

Ўзбекистонда жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 81 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистон Жанубий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, минерал ўғитлар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади, транспорт, коммуникация ва сайёҳлик хизматлари кўрсатади. Жанубий Кореядан мамлакатимизга транспорт воситалари, механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар, қора металл импорт қилинади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қулай сармоявий муҳит кўплаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармон доираларининг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Форумда Жанубий Корея ишбилармонларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, соҳага сармоя киритишнинг истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва уларнинг ижроси ҳақида сўз юритилди.

— Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Парк Йонгмаан. — Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатингиздаги қулай сармоявий муҳит ва юксак иқтисодий имкониятлар Ўзбекистон — Жанубий Корея савдо-иқтисодий алоқаларининг равнақ топишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Бизнес-форумда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг йирик компанияларидан уч юзга яқин вакил иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нақадар катта эканидан далолатдир. "Hanjin Group", "Hyundai Motor", "Lotte Chemical", "Hanwha Group", "Daedong Industrial", "Baum Architects", "Bell Metal", "LSC Food", "Simpac", "Nara", "Shindong" каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжуд ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида эканини қайд этди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Бизнес-форум ва кооперацион биржа доирасида энергетика, тўқимачилик ва енгил саноат, ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар, таълим каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид умумий қиймати 2,4 миллиард доллардан зиёд қатор ҳужжатлар имзоланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

*Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШҲТ МАТТ) Ижроия қўмитаси ташкил топганининг ўн йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

Унда ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн, МАТТ Кенгаши аъзолари, ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва ташкилотнинг мулоқот бўйича шериклари, шунингдек, МАТТ ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг қарорига мувофиқ, 2004 йилнинг 17 июнида Тошкентда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг расмий очилиши бўлди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШҲТга аъзо мамлакатлар ваколатли органларига кўмаклашиш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Ўтган ўн йил давомида МАТТ томонидан ШҲТга аъзо мамлакатларнинг янги хавф ва таҳдидларга қарши курашда ўзаро ҳамкорликнинг кўп томонлама ва икки томонлама механизмларини ўз ичига олган умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда мустаҳкам халқаро-ҳуқуқий база шакллантирилди, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбир иштирокчилари минтақавий хавфсизлик масалалари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доимий диққат-эътиборида эканини таъкидлади. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ШҲТнинг ваколатли органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида МАТТ Ижроия қўмитаси самарали иш юритаётгани қайд этилди.

**(ЎзА).**

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Жорий йилда Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясида рақамли узатгич технологияси ўзлаштирилгач, мазкур ҳудудий телевидениенинг ижодий ва техник имкониятлари янада ошди.*

### Рақамли телеузатиш тизими ишга туширилди

Аввало, телематериаллар техник сифати яхшиланди. Шунингдек, кўрсатувларни узатиш масофаси ҳам сезиларли даражада кенгайди. Айни чоғда ушбу янгилик тележурналистларга эфир вақтини янада кўпайтириш имкониятини яратиб берди.

— Мазкур рақамли узатгич аппарати Японияда ишлаб чиқарилган, — деди вилоят телерадиокомпанияси бош муҳандиси Исмоил Сулаймонов. — У тасвирларни энг замонавий, "AVI" форматида эфирга чиқаради. Муҳими, ушбу технология туфайли кўрсатувларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш учун қулай шароитга эга бўлдик.

Айтиш лозимки, ҳозир мазкур замонавий технологияни вилоят радиоси эшиттиришларини эфирга узатишда қўллаш бўйича ҳам саъйи-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Атроф-муҳит мусаффолигига хизмат қилади

*Бойсун туманидаги "Даҳбед" хусусий корхонасида амалга оширилаётган лойиҳалар нафақат катта даромад келтирмоқда, айни чоғда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилаётир.*

Гап шундаки, фойдаланиш муддати 50 йил кафолатланган қувурлар ишлаб чиқаришда, асосан, чиқиндидан фойдаланилмоқда. Шунинг эвазига корхонада маҳсулотлар сифати яхшиланиб, таннарх анча арзонлашди.

— Ҳозир фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини ҳам кўраяпмиз, — деди корхона раҳбари Маҳмудхон Мансуров. — Банк томонидан ажратилган 110 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя профнастиль аксессуарлари ва пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқариш линиясини сотиб олишга йўналтирилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қурилишбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда

*Вобкент туманидаги "Асл садаф Элмурод" оилавий корхонасида маҳаллий хом ашёдан йигирма турдаги қурилишбоп маҳсулотлар тайёрланаяпти.*

— Юртдошларимизнинг уй-жойларни дид билан барпо этишаётганини кўриб қувонасан, киши, — деди корхона раҳбари Элмурод Насуллаев. — Биз шундан келиб чиқиб супа ва йўлакларга ётқизишга мўлжалланган плиткалар тайёрлаяпмиз. Улар чиройли кўринишга эгалигидан ташқари, хонадон ёки офис соҳибларига узоқ йиллар хизмат қилади. Ҳозир буюртмачиларга ойига ўртача 35 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмоқда. Келгусида банкдан кредит олиб, янги технологик линия харид қиламиз ва маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳиссага оширамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Талабга биноан мебель жиҳозлари

*Тиббиёт муассасалари учун мебель жиҳозлари тайёрлаш — бирмунча мураккаб жараён. Шу боис бундай маҳсулотлар яқингача хориждан буюртма асосида келтириларди.*

Наманган шаҳридаги "Mini medikal" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари бу борадаги илғор тажриба, мавжуд талаб ва эҳтиёжни пухта ўрганиб, янги бизнес лойиҳага қўл урди. Натижада 180 миллион сўмлик инвестиция эвазига корхонада кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

— Шифо масканлари учун 19 турдаги мебель жиҳозлари тайёрлашни ўзлаштирдик, — деди МЧЖ мутахассиси Баҳром Абдураҳимов. — Бу лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилди. Муҳими, маҳсулотларимизнинг сифати юқори, нархи эса нисбатан арзон. Шу боис буюртмачиларимиз сони тобора ортиб бораётир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Жиззах вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унинг доирасидаги тадбирларда депутатлар, таниқли адабиёт ва санъат намояндалари, маънавият тарғиботчилари, халқаро танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида муваффақият қозонган ёшлар қатнашди.

● **Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тиббиёт касб-ҳунар коллежида одам савдосига қарши курашишга бағишланган учрашув ташкил этилди.**

● "Бешариқ-текстиль" қўшма корхонасида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда корхонанинг молиявий ва экспорт имкониятлари ҳамда ишчи-ходимларга яратиб берилаётган қулай шароитлар ҳақида маълумот берилди.

● **Наманганда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган "Соғлом бола — юрт таянчи" мавзуидаги анжуманда соғлом авлод тарбиясининг муҳим йўналишлари бўйича маърузалар тингланди.**

● Андижонда тиббий хизмат сифати ва савиясини юксалтириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжуманида хасталикларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси ва қонунчилик

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида хотин-қизлар қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтидорларини тўла рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар тақдим этилди. Бунинг учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Зеро, аёлларнинг жамият ҳаётидаги обрўси ва нуфузини янада ошириш, уларда ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.*

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Аҳоли бандлигини таъминлашда аёлларнинг ижтимоий ҳимояси" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Депутат М. Алимова таъкидлаганидек, мамлакатимиз Конституциясида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлили эканлиги белгилаб қўйилган. Бу конституциявий норма Фуқаролик, Оила, Меҳнат кодексларида ва бошқа қатор қонунларимизда янада ривожлантирилган.

Маълумки, юртимизда йилларни номлаш яхши анъанага айланган. Шу асосда аҳоли, айниқса, аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кенг таъминлашга қаратилган муҳим давлат дастурлари самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш, унинг иқтисодий ва маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ўрин олиб, улар изчил рўёбга чиқарилаяпти. Шунга уйғун тарзда қизларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш долзарб вазифалар сирасида кўрсатиб ўтилган.

Аёлларнинг ижтимоий ҳимояси, аввало, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси қоидаларига риоя этиш билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, ушбу масалаларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида ўз ифодасини топган. Аёлларни ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш, меҳнат шароити ноқулай ишларда аёллар меҳнатини қўллаш тақиқлангани, ҳомиладор аёлларнинг ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг енгилроқ ишга ўтказиш билан боғлиқ қўшимча кафолатлар шулар жумласидандир. Қолаверса, аёлларга бола парвариши учун қисқартирилган, тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси, қўшимча дам олиш куни, қўшимча таътиллар бериш ҳам қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

— Тадбир давомида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, жойлардаги касаба уюшмалари томонидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар тақдим этилди, — деди депутат З. Ботирова. — Бундай юмушлар аниқ лойиҳаларни рўёбга чиқариш асосида олиб борилаётир. Аёллар турли семинар-тренингларда тадбиркорлик кўникмаларини ўрганмоқда, уларга иш бошлашлари учун имтиёзли кредитлар берилаяпти. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган қизлар тажрибали тадбиркорларга бириктирилиб, уларнинг бир қисми амалиёт ўтагандан сўнг ўз бизнесларини йўлга қўймоқда.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан берилган ахборотда аёллар бандлигини ошириш ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофазалаш борасида қилинган ишлар, бу борада жамоатчилик ташкилотларининг роли ортиб бораётганига урғу берилди. Агар 2007 йилда тадбиркор аёлларга тижорат банклари томонидан 90,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, 2013 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 697,8 миллиард сўмга етди.

Айни пайтда "Бўлажак тадбиркор аёллар" лойиҳаси доирасида семинар-тренинглар ўтказилди. Ўз навбатида, жорий йилнинг январь — май ойлари давомида тадбиркор аёллар, шунингдек, ишчиларининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 346,8 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар берилди.

Ёшларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Барча касб-ҳунар коллежида битирувчи қизларнинг бандлиги, таълим олишни давом эттириши ёки бизнес билан шуғулланиши билан боғлиқ масалалар мониторинг қилиб борилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, тадбиркорликнинг этагидан тутишни ният қилган 12 мингдан ортиқ қизларга қарийб 55 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

— Аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга касаба ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти, — деди депутат К. Очилов. — Давра суҳбати давомида шуларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, касаба уюшмалари томонидан яккаёлғиз аёллар, ўн тўрт ёшгача ёки ногирон болалари бўлган оналарни ишга жойлаштириш, ходимлар сони қисқартирилаётган пайтда хотин-қизларни ишдан озод қилиш қоидаларига риоя қилиш, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиши тўғрисидаги талабнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати амалга ошириб келинмоқда. Умуман олганда, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари гендер экспертизасидан ўтказилган жамоа шартномалари асосида таъминланаётир. Бундан ташқари, касаба уюшмаларининг барча бўғинларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари" орқали ишчи-ходимларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тадбир иштирокчилари томонидан соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича аниқ фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилганидан сўнг қўмитанинг тегишли тавсиялари қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

# Тинчлик ва осойишталик посбонлари

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари — Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида навбатдаги битирувчиларга диплом топшириш маросимлари ўтказилди.*

ТАДБИР

Ички ишлар вазири, генерал-майор А. Аҳмедбаев таъкидлаганидек, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ички ишлар органлари ходимларининг салмоқли ҳиссаси бор. Бунда, шубҳасиз, тизим ислоҳотлари изчил давом эттирилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

— Биз замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар асосида билим олдик, — деди лейтенант Жўрабек Алиқулов. — Жисмоний чиниқишимиз учун ҳам барча қулайлик мавжуд. Кейинги йилларда курсантларимиз орасидан жаҳон, Осиё ва қатор халқаро турнирлар ғолиблари етишиб чиқди. Ўзим ҳам спорт билан мунтазам шуғулланаман. Умуман, билим юртимизда ҳар бир курсантнинг ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиб камолга етиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Бу ерда олган билим ва тажрибамизни юртимиз тинчлиги ҳамда халқимиз осойишталигини таъминлашга сафарбар этамиз.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида курсантларнинг юқори даражада билим олиши ҳамда машғулотлар ўтказиши учун барча имкониятлар яратилган. Компьютерда моделлаштириш ва симуляция маркази, ўқ отиш бўйича компьютерлаштирилган тренажёр, электрон ўқитиш воситаси, мультимедиа лабораториялари курсантлар ихтиёрида. Айни чоғда техник ва умумқўшин машғулотлари, махсус тактика ҳамда алоқани йўлга қўйиш сабоқлари пухта ўргатилмоқда.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги олий техника мактабида ҳам, айтиш мумкинки, курсантларга юксак талаблар асосида билим берилмоқда.

— Бу ерда ёнғин хавфсизлиги, моддий бойликларни қўриқлаш ва асраб-авайлашни таъминлаш йўналишлари бўйича билим олдик, — деди лейтенант Шаҳбоз Ниёзов. — Биргина ёнғин хавфсизлиги йўналишини оладиган бўлсак, бу мутахассисдан билим билан бирга, катта жасорат талаб қилади. Шубҳасиз, ҳар бир битирувчи шундай фазилатларни ўзида мужассам этган. Бу эса аҳоли хавфсизлиги ва оилалар фаровонлигини таъминлашда айни муддаодир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Германия: "Berliner Morgenpost" ва "Hamburger Abendblatt" газеталарида "Ипак йўли сеҳри" сарлавҳали мақола эълон қилинди. У Ўзбекистоннинг бой маданияти ва сайёҳлик имкониятларига бағишланган.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Халқаро валюта жамғармаси АҚШ иқтисодиётининг жорий йилдаги ўсиш ҳолатига оид янги прогнозини маълум қилди.*

## Қайта баҳо берилди

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, 2014 йилда ушбу мамлакат иқтисодиёти 2 фоизга юксалади. Ваҳолонки, апрель ойидаги таҳлилларда бу борадаги кўрсаткич 2,8 фоиз бўлиши билдирилганди.

Экспертларнинг изоҳлашича, ХВЖ прогнозларининг ўзгарганига бир қанча омиллар сабаб бўлган. Аввало, Океанортида қиш фаслининг ҳаддан зиёд совуқ келиши дастлабки чоракдаги натижаларга сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Қолаверса, уй-жой бозоридаги вазият ҳали тўлиғича ўнгланиб кетгани йўқ.

## Принтер ёрдамида уй қурилади

*Голландия пойтахти Амстердам шаҳрида 3D принтери ёрдамида биринчи уй бунёд этилади.*



Ушбу лойиҳани маҳаллий "DUS Architects" компанияси амалга оширади. Муҳандисларнинг сўзларига қараганда, янги технология асосидаги тураржойни барпо қилишда биопластик материалдан фойдаланилади. Иншоотнинг ички қисмлари ҳам 3D принтерида ишланади. Уй 3 қаватдан иборат бўлиб, лойиҳани тўлиқ амалга оширишга уч йил сарфланиши кўзда тутилган.

Компания мутасаддилари замонавий тураржойни муваффақиятли барпо эта олишса, мазкур тажрибани халқаро миқёсда оммалаштиришни режалаштиришган.

## Бандликда ижобий кўрсаткич

*Буюк Британия меҳнат бозори жадал суръатлар билан тикланмоқда, дейилади мамлакат миллий статистика хизмати маълумотларида.*

Масалан, жорий йилнинг февраль ойидан апрелга қадар 345 минг киши иш билан таъминланган бўлиб, бундай юқори кўрсаткич 1971 йилдан буён биринчи марта қайд этилди. Шундай қилиб, ўз меҳнат жойига эга британияликлар сони 30,5 миллион кишига етди.

Ташкилот яна бир ижобий ҳолатга алоҳида эътибор қаратди. Гап шундаки, иқтисодий инқироз авжига чиққан 2008 йилда аҳоли вакиллари меҳнат биржаларидан анча узоқлашиб, якка тадбиркорлик билан шуғулланишга мажбур бўлишганди. Энди эса кўплаб компаниялар янги ходимларни ишга қабул қилишни бошлади. Ушбу жараёнда айнан ана шу биржаларнинг воситачилиги муҳим ўрин тутади.

Апрелдаги кўрсаткич бўйича Буюк Британияда ишсизлик даражаси 6,6 фоиз тушди. Евроҳудуд аъзоларида эса бу рақам ўртача 12 фоизга тенг бўлиб турибди.

## Таниқли спортчи ҳушига келди

*"Формула 1" пойгаларининг етти карра жаҳон чемпиони Михаэль Шумахер узоқ давом этган оғир беҳушлик ҳолатидан чиқди.*




Бу ҳақда Германиянинг "Bild" журнали хабар тарқатди. Шифокорлар унинг соғлиғи тобора яхшиланаётгани боис Греноблдаги клиникадан ўз уйига кетишига рухсат беришган.

Эслатиб ўтамиз, таниқли спортчи ўтган йилнинг декабрь ойида Франциянинг Альп тоғларида чанғи учаётган пайтда боши билан тошга урилиб, ҳушидан кетган ва ўшандан буён кома ҳолатида ётганди.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

# ИННОВАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутади

*Илм-фан ютуқлари барча соҳалар ривожини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини такомиллаштиришда инновация технологияларининг аҳамияти беқиёс. Шу боис мамлакатимизда мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи олимлар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Хоразм вилояти марказидаги "Хоразм антикоринвест" корхонаси ҳам ана шундай имконият ва саъй-ҳаракатлар натижасида фаолият бошлаганди. Урганч давлат университети профессори, техника фанлари доктори Мақсуд Жуманиёзов ўз шогирдлари билан биргаликда ёғ-мой саноати чиқиндиси ҳисобланган госсипол смоласи ва соапстокдан занглашга қарши қопламалар ва қурилиш битумлари ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Ушбу илмий кашфиёт 2008 йилда "Хоразм антикоринвест" корхонаси ташкил этилишига асос бўлди. Пировардида бу ерда чиқиндидан нефтсиз қурилиш битуми, "Коррнет" номли металл занглашига қарши ҳамда "Премод" номли зангни тозаловчи препаратлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Агар республикамиз ёғ-мой саноати субъектларида йилига 16 минг тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси — госсипол смоласи йиғилиб қолишини ҳисобга олсак, корхонанинг хом ашё таъминотида асло узилишлар бўлмаслиги ойдинлашади. Бинобарин, чиқиндини қайта ишлаш эвазига экологик муҳит яхшиланиб, табиий ресурсдан самарали фойдаланиш имконияти туғилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимизда коррозияга қарши самарали чора-тадбирлар қўлланилмаса, металлар занглаши оқибатида уларнинг 15 фоизи йўқотилиши мумкин. Бироқ шу пайтгача хорижий мамлакатлардан келтирилган бундай воситалар катта миқдордаги валюта сарфига сабаб бўлаётганди. Ниҳоят маҳаллий олимлар ушбу муаммо ечимини топишди. Натижада маҳаллий шароитда, энг муҳими, саноат чиқиндиси асосида йилига 55 тоннадан ортиқ занглашга қарши ва 45 тонна зангни тозаловчи препаратлар ҳамда 1000 тонна миқдорида 3 турдаги қурилиш битуми тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳозир "Хоразм антикоринвест"да 15 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаяпти. Улар томонидан ўтган йили 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 1 миллиард сўмликка етказиш кўзда тутилмоқда.



Айтиш жоизки, ҳар қандай саноат корхонаси муваффақиятларига баҳо берганда, унинг даромадлари миқдори алоҳида эътиборга олинади. Зеро, даромад фаолият ривожини таъминловчи энг муҳим манбадир. Шу маънода, "Хоразм антикоринвест"нинг Маҳаллийлаштириш дастурига киритилиши ва бу орқали унга қатор имтиёзлар берилиши корхона имкониятларини янада кенгайтирди. Пировардида тежаб қолинган маблағлар модернизациялаш ишларига йўналтирилди. Шу аснода корхонада 100 миллион сўмлик технологик янгиланишлар амалга оширилиб, мавжуд ускуна ва дастгоҳлар қуввати 2 бараварга оширилди. Ўз навбатида, қўшимча иш ўринлари ҳам юзага келди.

— Маҳсулотларимизнинг экспортбоп турларини тайёрлаш устида иш олиб бораяпмиз, — деди корхона раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Мақсуд Жуманиёзов. — Чунки ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаш учун технологияларимизни мунтазам такомиллаштириб боришимиз талаб этилади. Қолаверса, маҳсулотлар таннархини камайтириш — галдаги муҳим вазифаларимиздан бири. Шу мақсадда ҳозир илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш йўлидан бораяпмиз. Бу эса келгусида кутилган самарани бериши, шубҳасиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**инвесторларни ҳамкорликка чақиради ва банкнинг қуйидаги шўъба корхоналарини сотиб олиш учун таклиф этади.**

**тўқимачилик саноатидаги корхоналар:**

— **Калава ип, мато, трикотаж маҳсулотлари, адёллар ва гиламлар ишлаб чиқариш:**
«Chinoz Textile» МЧЖ, «Beshariq To`qimachi» МЧЖ, «Kurgan Tex» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Nukus Textile» МЧЖ, «Rishton To`qimachi» МЧЖ, «Xumo To`qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To`qimachi» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ, «Koson Textile» МЧЖ, «Poyteks» МЧЖ, «Ko`kcha Textile» МЧЖ, «Marg'ilon Bo'yoq Textil» МЧЖ, «Urg Tex» МЧЖ, «To'ytepa Textile» МЧЖ, «Horazm Gilamlari» МЧЖ.

►► nbuig.uz; nbuic.uz; chinoztextile.uz; namtex.uz; nukustextile.uz; xumo.uz

**қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатидаги корхоналар:**

— **Европа технологияси асосида шиша толали қувурлар, фитинглар, полиэтилен қувурлар, ғиштлар, гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш:**
«Asia Pipeplast» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ.

►► nbuig.uz; nbuic.uz

**қоғоз-целлюлозасини ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар:**

— **пахта целлюлозаси, техник этил спирти, қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш:**
«Farg`ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Toshkent Qog'ozi» МЧЖ, «Namangan Qog`ozi» МЧЖ.

►► nbuig.uz; nbuic.uz

**қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери буюмлари ва сутни қайта ишлаш, сут ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш:**

— **мева ва сабзавотлардан концентрланган пюре, болалар таомлари, минерал сувлар, мевали жем, сабзавотли консервалар, музқаймоқ, макарон, томат пастаси, сифатли чарм ишлаб чиқариш, майда ва йирик шохли ҳайвонлар терисини қайта ишлаш:**
«Nukus Agro» МЧЖ, «Kinder Fruits» МЧЖ, «Surhon Sun Milk» МЧЖ, «Azia ays» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog`i» МЧЖ, «Andijon Charm» МЧЖ, «Toshkent Sifat Sut» МЧЖ, «Quva Qandolatlari» МЧЖ.

►► nbuig.uz; nbuic.uz

**туристик ва меҳмонхона хизматларини таклиф этувчи корхоналар:**

«Xorazm Palace» МЧЖ, «City Palace» МЧЖ ва «Registon Plaza» МЧЖ.

**Янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишни истасангиз, қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки**
Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Тел.: (+99871) 234-11-22.
Факс: (+99871) 234-43-31.
E-mail: webmaster@central.nbu.com
www.nbu.com

**«NBU INVEST GROUP» ОАЖ**
Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.
Тел.: (+99871) 234-00-79.
Факс: (+99871) 234-00-78.
E-mail: info@nbuig.uz
www.nbuig.uz

**«NBU INVESTMENT» ОАЖ**
Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.
Тел.: (+99871) 233-84-53.
Факс: (+99871) 234-83-54.
E-mail: info@nbuic.uz
www.nbuic.uz

918R/305

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 7 ИЮНДАН 13 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 9 июндаги 155-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-8 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

2. «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 9 июндаги 156-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-3 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

3. «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 9 июндаги 157-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-3 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

4. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-1 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

5. «Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 20 майдаги 2-сонли буйруғи.*

**2014 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2593 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

6. «Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими "Reg-System"да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 30 майдаги 3-мб-сонли қарори.*

**2014 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2594 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

7. «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 14 майдаги 34, 2014-19-сонли қарори.*

**2014 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-1 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

8. «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 2 июндаги 41, 70, 19, 2014-22, 01-02/8-06-сонли қарори.*

**2014 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-1 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

9. «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 2 июндаги 42, 71, 2014-23-сонли қарори.*

**2014 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1901-2 (2014 йил 16 июндан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низом», 1-сон ўзгартириш *(рўйхат рақами 1901, 2009 йил 10 февраль), (рўйхат рақами 1901-1, 2013 йил 18 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 13 июндаги 163-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Сайхунобод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 ноябрдаги 12-1301/10407-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сайхунобод тумани, Сайхун қўрғони, Турон маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1006,28 кв.м. бўлган 0001-литердаги бостирма ва 0002-литердаги қозонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 22 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 18 июль куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий майдони 3406,69 кв.м., қурилган жой участкаси 699,18 кв.м. бўлган қурилиши битмаган кинотеатр биноси арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 311 149 238 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ҳақиқат маҳалласи, Деҳқон бозори ёнида жойлашган, умумий майдони 742,95 кв.м., қурилган жой участкаси 742,95 кв.м. бўлган «Шоакбар» ресторани ва савдо дўкони ҳамда ундаги ускуналари билан арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 395 751 929 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ичидаги ускуналари билан арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 868 281 741 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 679 298 349 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 4 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

917R/1453

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 8 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Миробод тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2014 йил 10 февралдаги 10-0720/14225-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ҳамза (аввалги Мусахонов) кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 1543 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 041 552 397,12 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ҳамза (аввалги Мусахонов) кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 6274 кв.м. бўлган омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 288 702 229,73 сўм.***

**II.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 12 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

**БИЛДИРИШ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 20 майдаги 97-сонида хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 299-уйда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Сергели тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 11 июндаги хатига асосан тўхтатилди.

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

916R/90

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти раис ўринбосари Абдураззоқ Миржалилович Юнусовга рафиқаси

**МОҲИРАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автомобиллар ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари кафедраси доценти

**Халилулло Ҳамидович МАҲМУДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси лаборатория мудири

**Шарипа Ҳошимовна НУРМУҲАМЕДОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Қашқадарё: "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиш, муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга саховат кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Зеро, инсон қадри ва шаъни улуғланган юртимизда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ёлғиз кексалар, умуман, ёрдамга муҳтож ҳар бир киши эътибор ҳамда ғамхўрликдан баҳраманддир.*

# Эътибор ва саховат

Жумладан, пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 110 нафарга яқин ўғил-қиз ҳам давлатимиз кўрсатаётган алоҳида эъзоздан камол топмоқда.

*Мазкур муассаса ўтган йили замонавий кўринишда таъмирдан чиқарилди. Натижада ётоқхоналар шинам ва бежирим қиёфа касб этди. Интернет синфлари сўнгги русумдаги компьютер анжомлари билан жиҳозланди. Шу билан бирга, кутубхона, машғулотлар ўтказиш хоналари, спорт заллари зарурий ашёлар билан бойитилдики, бу ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, маънан ва жисмонан улғайишлари учун хизмат қилаяпти.*

Тарбияланувчиларнинг шаҳардаги 128 ва 79-умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олиши баробарида, Меҳрибонлик уйида ҳам қўшимча тарзда таълим, тиббий, ҳуқуқий ва психологик хизматлардан фойдаланишлари учун шарт-шароит яратилган. Ўқувчилар мактабда олган билимларини ўз уйларида мустаҳкамлаш ва бойитиш имконига эга. Бунинг учун алоҳида фанлар бўйича ўқитувчилар, тарбиячилар бириктирилган.

Ёшлар йўлга қўйилган шароитлардан унумли фойдаланиб, ўзларининг салоҳиятларини намоён этиб келишмоқда. Айтайлик, 2012/2013 ўқув йили якунларига кўра, аълочилар сони 15 фоизни, "яхши" баҳога ўқиганлар эса 70 фоизни ташкил этди. Улардан Юлдуз Ваҳобова, Абдулазиз Аллаёров, Жамшид Қаюмов, Нигора Раҳимжонова намунали хулқи, дарсларни аъло даражада ўзлаштирганлиги учун махсус стипендия билан тақдирландилар. Бундан ташқари, мактабларда ўтказилиб келинаётган "Билимлар синови"нинг туман босқичида география фанидан Ирина Потоенко биринчи, инглиз тили фанидан Владимир Ренёв иккинчи ҳамда алгебра, геометрия фанидан Самир Беляков фахрли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу ерда чет тилларини мукаммал ўқитишга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг, инглиз тилини ўргатиш учун махсус тўгараклар ташкил этдик. Дарслар, асосан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда турли ўйинлар, мультфильм ҳамда спектакллар тартибида олиб борилади ва бу ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида оммавий спорт тўгаралари ишлаб турибди. Ўғил болалар билан бир қаторда, қизлар ҳам спортнинг барча турлари билан шуғулланишади. Албатта, бу саъй-ҳаракатларнинг самараси кишини қувонтиради. Айтайлик, сўнгги қишки таътил кунлари бўлиб ўтган тоғ тайёргарлигида Меҳрибонлик уйининг спорт гуруҳи биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан мунтазам уюштириладиган ҳамда "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида тарбияланувчилар муваффақиятли иштирок этиб келаяпти.

Албатта, муассасамизда йўлга қўйилган бундай қулайликлар бир чимдим меҳрга интиқ ўғил-қизларнинг кўнглини кўтаришга, ҳаётда ўзининг муносиб ўринларини топишларига қаратилган.

**Шаҳрия БЕРДИЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи директори.**

# Янги вакцина тақдимоти

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги — ротарикс вакцинаси амалиётга жорий этилиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## САЛОМАТЛИК

Ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мақсадида миллий эмлаш жадвалига киритилган вакцина тақдимотида Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати хизматининг етакчи мутахассислари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, мустақилликнинг илк йилларидан юқумли касалликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур йўналишда кўрилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида юртимизда эпидемик вазият барқарорлиги таъминланмоқда. Карантин ва юқумли касалликлар, жумладан, дифтерия, полиомиелит, қоқшол, қизамиқ, қизилча сўнгги йилларда рўйхатга олинмади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан "Ўзбекистон полиомиелит касаллигидан озод ҳудуд" дея эътироф этилиб, халқаро сертификат берилгани ҳам фикримизнинг далилидир. Юқумли касалликлар профилактикасида санитария-гигиена тадбирлари билан бирга, эмлаш ишларининг юқори савияда ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини бераётир. Бугунги кунгача юртимизда миллий эмлаш жадвалига асосан, болалар ўнта юқумли касалликка қарши эмланаётган эди. Эндиликда ушбу жадвал ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган янги — ротарикс вакцинаси билан яна биттага кўпайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа тегишли муассасалар ташаббуси билан ўтказиладиган иммунизацияга оид тадбирлар доирасида ҳар йили дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисми юқумли касалликларга қарши эмланади. Бу миллионлаб кишилар, айниқса, болаларнинг ҳаётини асраб қолиш ҳамда аҳолини турли юқумли касалликлардан муҳофазалаш имконини бермоқда. Маълумотларга қараганда, дунё бўйича ўткир диарея хасталиги билан касалланган болаларнинг 453 минг нафари бевақт нобуд бўлар экан. Бунинг асосий сабаби ротавирус инфекциясидир. Ушбу касалликка қарши хавфсиз эмлаш болаларда мазкур хасталикка қарши иммун тизимни пайдо қилади ва йиллар давомида бола организмини ротавирус инфекциясидан ҳимоя қилади.

— Ротарикс вакцинасининг хавфсизлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус сертификати билан кафолатланган, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич. — Ушбу тадбирни юксак савияда ўтказиш асносида фарзандларимизнинг юқумли ичак касалликларига қарши иммунитети мустаҳкамланишига эришилади. Шуни айтиш жоизки, айни пайтда ротавирусга қарши вакцина АҚШ, Франция, Австралия сингари ўн етти давлатнинг эмлаш жадвалига киритилган.

Республикамизда шу йилнинг 16 июнидан бошлаб миллий эмлаш жадвалига асосан, чақалоқлар 2 ва 3 ойлигида ўткир юқумли ичак хасталикларига қарши ротарикс вакцинаси билан эмланади. Жорий йил охиригача 378 минг 500 нафар гўдак ушбу вакцина билан эмланиши белгиланган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# Спорт



*Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида "рапид" — тезкор шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар ғолибликка эришиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир карра исботлашди.*

## Ака-ука — жаҳон чемпиони

ШАХМАТ

Мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида қатнашган Исломбек тўққизта турнинг барчасида муваффақият қозониб, мухлису мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди. У, жумладан, россиялик Алексей Фадеев, грециялик Георгиос Хатзигавриил, болгариялик Константин Георгиев ва Светлен Иванов, франциялик Ражат Маккар, озарбайжонлик Али Зуқанов, Фикрат Мустафозода ва Айҳан Жабборли ҳамда англиялик Дҳрув Радҳакришнанни мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Тўққиз ёшгача бўлган болалар ўртасидаги беллашувларда дона сурган Жавоҳир ҳам бирорта ўйинда имкониятни бой бермади. У Греция вакили Маркоз Казакос, Россия шахматчилари Артемий Борисов, Лев Левкин, Михаил Друченко, Георгий Вдовин ва Владимир Анчиков ҳамда озарбайжонлик Самад Аслановни енгди. Ҳиндистонлик Лоҳия Сиддҳант ва озарбайжонлик Мартин Саломов билан дуранг ўйнади.

Шундай қилиб, тўққиз имкониятдан 8 очко жамғарган Жавоҳир Синдоров ҳам жаҳон чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

## Ғолиблар аниқланди

*Фарғона шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи нуфузли турнир ниҳоясига етди.*

ТЕННИС



Дунёнинг 30 давлатидан 100 нафарга яқин теннисчи иштирок этган беллашувларнинг ҳар бири қизиқарли ва муросасиз кечди. Яккалик баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Нигина Абдураимова дастлабки турлардаёқ ажойиб ўйин кўрсатиб, бош совринга асосий даъвогар сифатида тилга тушди. Қарангки, амалда ҳам шундай бўлди. Финалгача етиб боришнинг уддасидан чиққан Нигина сўнгги учрашувда япониялик Нао Хибино билан куч синашиб, икки сет якунларига кўра, уни 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Жуфтлик беллашувларида эса япониялик теннисчилар Хироко Кувата ва Мари Танака ғолибликка эришди.

## Халқаро турнирдаги муваффақият

*Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон вакиллари 5 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритиб, йигирма давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.*

ДЗЮДО

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар тарқатди.



Қувонарлиси, полвонларимиз жамоавий беллашувларда ҳам барча рақибларидан устун келиб, бош совринни қўлга киритишди. Энди дзюдочиларимиз олдида иккита муҳим мусобақа турибди. Улардан бири жорий йилнинг сентябрида АҚШда ўтказиладиган жаҳон чемпионати бўлса, иккинчиси октябрь ойида Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қиладиган Пара-Осиё ўйинларидир.

## Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

*Хитой Тайпейида енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида уч нафар ҳамюртимиз совриндор бўлди.*




Жумладан, 400 метрга югуриш баҳсларида Лилия Манасипова кумуш, 200 метр масофага югуриш мусобақасида Нигина Шарипова бронза медали билан тақдирланди. Узунликка сакраш бўйича ўтказилган беллашувларда эса Темур Хуснуллин учинчи ўринни эгаллади.

**Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**

**мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

- Бухоро тумани, Тўйтепа қишлоғида жойлашган чорвани бўрдоқичиликка боқиш фермасидаги қорovулхона, айвон бинолари ва темир дарвоза қўйилмоқда.
  ***Бошланғич баҳоси — 57 532 199 сўм.***
- Ғиждувон тумани, «Сармижон» ҚФЙ, Ғаждумак қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 220 кв.м.дан иборат «ЭВРИКА-Н» савдо дўкони қўйилмоқда.
  ***Бошланғич баҳоси — 43 919 081 сўм.***
- Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган туражой биноси қўйилмоқда.
  ***Бошланғич баҳоси — 675 942 871 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар 2014 йил 2 июль куни соат 11.00 даги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 июль куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур мулклар қуйидаги шарт асосида сотилади.

Харидор савдо ўтказилган куни суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (8-365) 221-51-62.**

Хизматлар лицензияланган.

873R/1090

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

ASAKA BANK

**«АСАКА» банки (ОАЖ)**

**қуйидаги корхоналар ва мулкий мажмуаларни сотишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади:**

| Т/р | Объект номи | Объект манзили | Асосий фаолият йўналиши |
|---|---|---|---|
| 1. | «Асака Коттон Импекс» МЧЖ | Тошкент вилояти, Ангрен ш., Саноат майдони | Тиббий гигроскопик пахта ишлаб чиқариш |
| 2. | «Осиё Асака Модел» МЧЖ | Тошкент ш., Гавҳар к., 124-уй | Пойабзал ишлаб чиқариш |
| 3. | «Қоракўл Асака Текстиль» МЧЖ | Бухоро вилояти, Қоракўл ш., Улуғбек к., 3-уй | Калава ип, трикотаж мато ишлаб чиқариш ва уни бўяш |
| 4. | Мулкий мажмуа | Тошкент ш., Саъдий к., Прохладная боши берк кўчаси, 31-уй | Органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш |
| 5. | Мулкий мажмуа | Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Н. Зокиров к., 114-уй | Тиббий бинтлар ва жарроҳлик салфеткалари ишлаб чиқариш |
| 6. | Мулкий мажмуа | Тошкент ш., Дўрмон йўли к., 40-«А» уй | Дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш |
| 7. | Мулкий мажмуа | Тошкент вилояти, Янгийўл ш., «Эски Қовунчи» ҚФЙ, Экскаватор к., 1-уй | Мева концентратлари ва шарбатлари ишлаб чиқариш |
| 8. | Мулкий мажмуа | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ ш., Ойбек к. | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 9. | Мулкий мажмуа | Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон к., 1-уй | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 10. | Мулкий мажмуа | Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл ш., Қирққиз к., 3-уй | Тайёр тикув маҳсулотлари ва трикотаж мато ишлаб чиқариш |

**Ушбу объектлар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзилга боришлари ёки телефон орқали боғланишлари мумкин. Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уй. Телефонлар: (8-371) 120-39-75, 120-39-68, 120-39-84. Факс: (8-371) 120-39-84. Электрон почта: info@asakainvestment.uz Хизматлар лицензияланган.**

919R/32

амкодор

**ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»**

**официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан**

погрузчики фронтальные и универсальные | погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры | автогрейдеры и землевозы | катки самоходные вибрационные



**БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА**

экскаваторы-погрузчики | экскаваторы | машины фрезерные, траншеекопатели | вилочные авто- и электропогрузчики



Товар сертифицирован

**Тел./факс: (8-371) 283-42-18, 283-42-17, моб. (+998 94) 669-29-71.**

**Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by**

380R/199


WWW.XS.UZ Тошкент: "Билимлар беллашуви — 2014" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ўқувчилар иштирок этмоқда.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5